

## **ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТЎТГАН ЎРНИ**

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти*

*Рўзибоев Акбаржон Зокиржон ўғли*

*E-mail: [akbarjonroziboyev9@gmail.com](mailto:akbarjonroziboyev9@gmail.com)*

**АННОТАЦИЯ** Ушбу мақолада Республикамизнинг барча ҳудудида фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг маҳаллар кесимида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича олиб борилиши лозим бўлган ишлар ҳамда ушбу фаолият давомида ҳамкорликни тўғри ташкил этишдаги юзага келаётган муаммо ва камчиликлар таҳлили олиб борилади.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Маҳалла еттилиги, маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани, тақдимнома.

**АННОТАЦИЯ**В данной статье будет проведен анализ проблем и недостатков работы инспекторов профилактики, действующих во всех регионах республики, который должен проводиться для проведения общей профилактики правонарушений на придомовом участке, повышения правовой сознательности населения и правильной организации взаимодействия в ходе этой деятельности.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, махаллалинской семёрка, обеспечение правопорядка в махалле, подчинение.

Маҳалла — тарбия ўчоғи. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боисдан ҳам сўнги йилларда юртимизда маҳалла институтининг нуфузини юксалтиришга қаратилган кенг

кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада эса маҳалла ноёб тузилма сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этаяпти. Буни фуқаролар йиғинлари фаоллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги самараси ўлароқ, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги таъминланаётгани, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Халқимизда “Касалликни даволагандан қора унинг олдини олган афзал” деган пурҳикмат нақл бор. Албатта болгуси ҳам Маҳалла — тарбия ўчоғи. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боисдан ҳам сўнги йилларда юртимизда маҳалла институтининг нуфузини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада эса маҳалла ноёб тузилма сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этаяпти. Буни фуқаролар йиғинлари фаоллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлиги самараси ўлароқ, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги таъминланаётгани, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳуқуқбузар жиноятчига унинг муайян хатти-ҳаракати гайриижтимоий хулқ-атвор ёхуд ҳуқуқбузарлик эканлиги, унинг оқибатлари тушунтирилса, содир этилиши мумкин болган конгилсизликнинг барвақт олди олинган болади. Профилактика нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, балки оз навбатида, шахсни жамият учун фойдали киши этиб шакллантиришда, айниқса ёшларни юксак манавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод сифатида вояга этказишда ҳам гоят муҳим аҳамият касб этади. Зеро халқимизнинг “Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил”, “Эгри бутоқни ниҳолида тобини ол” деган ҳикматли созлари бежиз айтилмаган. Инсон онасидан ҳуқуқбузар болиб тугилмайди, балки унинг тарбиясига салбий тасир корсатувчи омиллар ҳуқуқбузарликка этаклайди. Шундай экан маҳаллада ҳар бир хонадондаги муҳит

Ўрганилиши мақсадга мувофиқдир Маҳалла институтининг мақоми Ўзбекистон Конституцияси даражасида мустақамланди. Маҳалла тизими ислохотларнинг марказий ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Айниқса, барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “оилабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили амалиётга татбиқ этилди. Охириги етти йилда тизимни такомиллаштиришга доир 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара берди. Бунинг тасдиғини маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустақамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Маҳалла чинакам халқ манфаатини кўзлайдиган, аҳоли муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган, давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишга қодир етакчи фуқаролик жамияти институтига айланди. Маҳалланинг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, “адолат тарозиси”га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустақамлайди. Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сон Қарори билан маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу фармон ва қарор асосида Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари, Ўзбекистон

маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилди. Ҳар бир фуқаролар йиғинида “маҳалла еттилиги” шакллантирилиб, уларнинг аниқ вазифалари, биргаликда амалга оширадиган ишлари кўрсатиб ўтилди. Маҳалла ходимлари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) бўйича алоҳида баҳолаш тартиби жорий этилмоқда ва маҳалла раислари энди 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга. Барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджети” тизими йўлга қўйилди.

Энг муҳими, маҳалланинг аҳолига ижтимоий кўмак бериш борасидаги ваколати кучайтирилди. Эндиликда “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва субсидиялар ажратиш “маҳалла



еттилиги”нинг биргаликдаги қарори асосида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришлар билан “этилик” аъзоларини тайинлашда маҳаллада яшайдиган номзодларга *ustunlik beriladi*. Маҳалла раисининг маълумоти ва малакаси бўйича талаблар белгиланиб, уларнинг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш кўзда тути Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартдаги тегишли қарори билан 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарорига ўзгартириш ва

кўшимчалар киритилди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмасига “маҳалла еттилиги” киритилди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш, керакки маҳалла тизими ривожланиши давомида “Ижтимоий профилактика” институти ҳам шаклланди. Ушбу чора тадбирлар бугунги кунда маҳалла еттилиги томонидан самарали олиб борилмоқда. Ўтган қисқа вақт шунинг кўрсатдики, маҳаллаларда ушбу лавозимларнинг жорий этилиши давлат фуқаролик хизмати олдида турган қатор муҳим масалаларни бирламчи бўлиб ҳал қилишга ёрдам бермоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус асосида маҳалла институтининг ислоҳ қилиниши ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам бериш, жиноятчилик, оилаларда зўравонликнинг олдини олиш, аҳоли бандлиги, ижтимоий муҳофазаси каби масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифаларни бажаришда ҳар бир маҳалланинг ўз ёндашуви, йўналиши бўлади. “Халқни рози қилишимиз учун маҳаллалардаги муаммоларни билиб туришимиз керак. Ҳозирги “бешлик” “еттилик” бўлади. “Еттилик” маҳалладаги вазиятни билиши керак... Агар битта ҳоким ёрдамчиси бир ойда 5 тагина одамни иш билан таъминласа, ёшлар фаоли 5 тагина боланинг дунёқарашини ўзгартирса, худди шундай, аёллар билан ҳам ишланса, улар сони туман миқёсида қанча бўлади? Ўзбекистон тажрибасини, “эшитувчи давлат” деган иборани амалда бажарамиз, десак, бизга тажрибали, фидойи маҳалла раислари керак” дейди Президентимиз. Маҳалла тизимида кенг ислоҳотлар олиб борилиши худуд профилактика инспекторлари фаолиятига ҳам ўз самарасини киритди. Аҳоли ҳаётини иқтисодий-ижтимоий томонлама барқарорлаштириш бўйича ушбу ислоҳотлар самарасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ҳам ижобий таъсир этиб келмоқда. Худудда жиноятчилик ҳамда криминоген вазиятни яхшилашда асосий жабҳаларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда аҳоли ҳаётининг яхшиланиши эканлиги инобатга олинса, “еттилик” фаолияти бу борада анчагина фойда бермоқда. Худуд профилактика инспекторлари томонидан аҳолининг турли тоифаларини “еттилик” аъзоларига ижтимоий профилактик чора

тадбирларни олиб бориш бўйича ҳулоса орқали билриктириб қўйилишлиги, келгусида ушбу шахслар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олмоқда.

Маҳалла етилиги субъектларига қуйидагича вазифалар белгилаб берилганлиги улар фаолиятининг тизимлилигини таъминлаб берди:

**маҳалла раиси** — эҳтиёжманд оилаларга уй-жойини яхшилашга кўмаклашиш;

**ҳоким ёрдамчиси** — ишсизларга иш топишга кўмаклашиш;

**ёшлар етакчиси** — ёшларни спорт, мусиқа ва тўғаракларга жалб этиш;

**хотин-қизлар фаоли** — аёлларни тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчиликка жалб қилиш;

**солиқ ходими** — маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш;

**ижтимоий ходим** — ёлғиз кекса, ногирон ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш.

Маҳалла ҳудудида яшовчи аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ма ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ҳам етилик самарали иш олиб бораётганлигини амалиёт кўрсатмоқда. Маҳалла ҳудуди бўйича аҳолининг хонадонларигача ташриф буюриб, тегишлича тушинтиришлар олиб борилаётганлиги улардаги муаммолар кенг ўрганилиши бартараф этиш бўйича чоралар кўрилаётганлиги аҳоли ўртасида давлатдвн рози бўлиб ҳаёт кечиршига сабаб бўлмоқда. Бу эса Президентимиз томонолан олиб бораётган сиёсатининг асосиё мақсади ҳисобланади. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланганлиги маҳаллаларда профилактик ишларни ташкиллаштиришда қўл келмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида маҳалла етилиги профилактика инспекторлари билан биргаликда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларга, гайриижтимоий хулқ-атворли,

хукукбузарлик содир этишга мойил болган, хукукбузарлик содир этган шахсларга хукукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш билан биргаликда, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mahalla>
2. <https://lex.uz/docs/6705763>
3. <https://akadmvd.uz/uz/?s=madamin>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021
5. Ўзбекистон Республикасининг Ма'мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хукукбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентабрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Характлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартдаги тегишли қарори билан 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги ПФ-27 сон фармони билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавсизлиги концепциясида
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-февралдаги ПФ-5938 сон фармони билан жорий этилган “Обод ва хавсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавсиз муҳитни яратишни
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг “Обод ва хавсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида қўшма қарор